

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил " 2 " июль

№ ПҚ-3822

" ____ " 20 г.

**2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция
қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури тўғрисида**

Мактабгача таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш максадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3507-сон қарорига мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда хорижий тажрибадан келиб чиқиб ва мамлакатимизнинг табиий-иклим шароитларини инобатга олган ҳолда 60, 135, 160, 235 ва 385 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3507-сон қарори билан мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташкари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилиши кўзда тутилди;

Қорақалпоқистон Республикаси Нукус шаҳрида ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасини қуриш ва 48-сон мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш, Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасини ва Мирзо Улуғбек туманидаги 324-сон мактабгача таълим муассасасини реконструкция қилиш ишлари ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Куйидагилар:

2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2018 йилда мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурлари 2-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

3. Мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари буюртмачи этиб белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

янги давлат мактабгача таълим муассасаларининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳаларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади;

ташқи муҳандислик коммуникацияларининг қурилиши “Ўзбекэнерго” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ ташкилотлари томонидан ушбу ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат мактабгача таълим муассасаларига олиб борадиган автобил йўлларини таъмирлаш, сув таъминоти ва канализация ташқи тармоқларини олиб келиш ишлари Қорақалпоқистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ҳисобидан амалга оширилади;

мактабгача таълим муассасаларининг қурилиши, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПП-3307-сон қарори билан тасдиқланган марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари, Ўзбекистон Республикаси бюджети, Қорақалпоқистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча маблағлари ҳисобидан 5-иловага мувофиқ молиялаштирилади.

5. Мазкур қарорнинг 1-банди тўртинчи хатбохисида кўрсатилган мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш доирасида 2019 йилнинг 1 январига қадар:

буюртмачилар ва бош пудратчи ташкилотлари – улар томонидан бажариладиган қурилиш ва реконструкция ишлари ҳажмлари қисмida;

қурилиш материаллари ва жихозларини етказиб берувчилар – буюртмачи ва бош пудратчи ташкилотларга сотиладиган қурилиш моллари ва жихозлари қисмida қўшимча қиймат солиғидан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шахри



Ш.Мирзиёев